

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Аниқ ва табиий фанлар**

МАТЕМАТИКА

**А.Оқбоев, Н.Муталлиев**  
Параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласи.....6

КИМЁ

**И.Аскарлов, А.Хаджикулов**  
Хурмо экстрактларининг антиоксидантлик хусусиятларини ўрганиш.....10

**А.Ибрагимов, Т.Амирова, А.Иброхимов**  
Матоларни кимёвий таркибига кўра сертификатлаш ва таснифлашга доир.....15

**И.Аскарлов, М.Ҳожиматов, Ф.Абдугаппаров**  
М-ферроценилбензой кислотасининг метиллолдитиомочевина билан реакциясини ўрганиш.....19

**М.Акбарова**  
Синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва атроф муҳитга таъсири.....24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**А.Гадоев, Х.Комилова, Г.Гадоева**  
Қува туманида уй ҳайвонларининг саркоспоридийлар билан зарарланиши.....29

**Ижтимоий-гуманитар фанлар**

ИҚТИСОДИЁТ

**З.Таджибаев**  
Рақамли иқтисодиёт нима? .....32

ТАРИХ

**А.Азизов**  
Замонавий этнологик тадқиқотларда ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларнинг назарий-методологик талқини .....37

**З.Раҳманов, Р.Муродалиев**  
Фарғона вилояти ҳудудидаги мозор-кўрғонларни ўрганиш бўйича янги тадқиқот.....43

**Ж.Адилов**  
Александр Бекович-Черкасский Хивага юришининг тарихи тарихий-географик тадқиқотлар контексти жиҳатидан.....50

**Ж.Тоғаев**  
Тарихий реконструкция масаласига доир баъзи мулоҳазалар.....55

**Қ.Пўлатов**  
XX асрнинг 20-50-йилларида ўзбек театр ва кино санъати мафкуравий тарғибот қуроли сифатида .....61

**М.Тухтаева**  
Мусулмон ренессанси даврида Марказий Осиёда ҳунармандчилик (IX-XIIасрлар)....65

**Б.Аббасов**  
Ўзбекистон ССРнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни.....70

АДАБИЁТШУНОСЛИК

**З.Раҳимов**  
Бадий тил ва ижодкор маҳорати.....75

УДК: 616.993.193

## ҚУВА ТУМАНИДА УЙ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ САРКОСПОРИДИЙЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

### ЗАРАЖЕНИЕ ДОМАШНЕГО СКОТА САРКОСПОРИДИЯМИ В КУВИНСКОМ РАЙОНЕ

#### INFESTATION OF DOMESTIC ANIMALS OF KUVA DISTRICT WITH SARCOSPORIDIA

А.Гадов<sup>1</sup>, Х.Комилова<sup>2</sup>, Г.Гадоева<sup>3</sup><sup>1</sup>А.Гадов

—ФарДУ, биология фанлари номзоди, доцент.

<sup>2</sup>Х.Комилова

—ФарДУ, биология йўналиши 2-курс магистранти.

<sup>3</sup>Г.Гадоева

—Фарғона шаҳар инглиз тилига ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси.

#### Аннотация

Мақолада Фарғона вилоятининг Кува туманида эчки, қўй ва қорамолларнинг ички аъзолари мускулларининг саркоспоридийлар билан зарарланиш даражаси ҳақида маълумот келтирилган.

#### Аннотация

В статье представлены сведения о степени зараженности внутренних органов коз, овец и крупного рогатого скота саркоспоридиями в Кувинском районе Ферганской области.

#### Annotation

The article provides information on the degree of infestation of the internal organs of goats, sheep and cattle with sarcosporidia in Kuva district of Fergana region.

**Таянч сўз ва иборалар:** саркоспоридий, саркоспоридиоз, текинхўр, зарарланиш, ўтхўр ҳайвон, гўштхўр ҳайвон, макроскопик, микроскопик, микропрепарат, макроциста, микроциста, трофозоид, интенсивлик.

**Ключевые слова и выражения:** саркоспоридий, саркоспоридиоз, паразит, травоядное животное, плотоядное животное, макроскопический, микроскопический, микропрепарат, макроциста, микроциста, трофозоид, интенсивность.

**Keywords and expressions:** sarcosporidia, sarcosporidiosis, parasite, infestation, herbivorous, carnivorous, macroscopic, microscopic, microslide, macrocyst, microcyst, trophozoite, intensity.

Саркоспоридийлар турли экологик шароитларда яшовчи сутэмизувчилар, қушлар ва судралиб юрвчи ҳайвонларнинг организмда текинхўрлик қилиб яшовчи бир хужайрали ҳайвонлардир. Улар ўтхўр ҳайвонларнинг юраги, ўпкаси, жигари, бўйраги, қизилўнгачи, тили, талоғи, миясининг хужайра ва тўқималарида, скелет мускулларида ҳамда гўштхўр ҳайвонларнинг ичакларида яшаб, “Саркоспоридиоз” касаллигини келтириб чиқаради.

Саркоспоридиоз касаллигида ёш ҳайвонлар ривожланишдан орқада қолади. Вояга етган ҳайвонлар эса 30-40 % маҳсулдорлигини йўқотади. Кучли зарарланган ҳайвон танаси тўлиғича куйдириб юборилади.

Уй ҳайвонларининг саркоспоридийлар билан зарарланиш даражаларини: Россияда – Ю.И.Толянский, Т.В.Бейер (1979), Озорбайжонда Н.М.Коллесников (1935), Қозоғистонда Н.Г.Левченко (1963),

Тожикистонда М.М.Мутаходжаев (1970), Туркменистонда А.С.Бердиев (1982) ҳамда Ўзбекистонда А.Гадов (1976) лар тадқиқ этишган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, биз Фарғона вилояти Кува туманининг ҳар хил экологик шароитда яшовчи уй ҳайвон (қорамол, қўй ва эчки) ларининг саркоспоридийлар билан зарарланиш даражасини аниқлашга киришдик.

Кува туманининг марказида жойлашган қушхонада сўйилган туманнинг ҳар хил экологик шароитларида яшаган 250 бош уй ҳайвонлари (110 бош қорамол, 90 бош қўй ва 30 бошнинг эчки) текширилди. Текширув одатдагидек икки хил усулда олиб борилди:

1. Макроскопик – оддий кўз билан 90 бошини қизилўнгач ва юрагини кўздан кечирилди

2. Микроскопик – яъни 160 бошини ички улар ёруғлик микроскопи остида кўрилди. аъзоларидан микропрепаратлар тайёрланиб

### Макроскопик усулда кузатиш натижалари

1-жадвал

Ҳайвон тури	Текширилган	Зарарланган	Зарарланганлик %	Зарарланиш интенсивлиги	Узунлиги	Эни
Эчки	20	3	15,0	2-10	1,6 – 5,6	1,3 – 4,6
Қўй	30	5	16,6	3-15	1,5 – 6,5	1,4 – 5,6
қорамол	40	6	15,0	2-13	1,4 – 5,5	1,3 – 5,6
Жами:	90	14	15,5	2-11	1,50 – 5,5	1,3 – 4,6

Макроскопик усулда юқорида келтирилган ҳайвонларнинг бўйин мускули, қизилўнгачи ва юраги кўздан кечирилди. Эчкиларнинг ушбу аъзолари текширилганда фақат қизилўнгачида саркоспоридийларнинг оқиш рангли, узунчоқ, овалсимон шаклдаги макроцисталари аниқланди. Текширилган 20 бош эчкидан 3 боши зарарланган бўлиб, 15 % ни ташкил этди. Зарарланиш интенсивлиги 2-10 тагача макроциста. Буларнинг ҳажми: узунлиги 1,6-5,6 мм, эни эса 1,3 – 4,6 мм ни ташкил этди.

Текширилган 30 бош қўйдан 5 боши зарарланган бўлиб, 16,6 % ни ташкил этди.

Макроцисталар асосан қизилўнгач ва юрагидан топилди. Бўйин мускулдан макроциста топилмади. Зарарланган аъзоларни 3 таси қизилўнгачга ва 2 таси қўй юрагига тааллуқли. Зарарланиш интенсивлиги ўртача 3 – 15 тагача макроциста. Буларнинг ҳажми: узунлиги 1,5 – 6,5 мм, эни эса 1,4 – 5,6 мм ни ташкил этди.

Бундан ташқари, текширилган 40 бош қорамолдан 6 боши зарарланган бўлиб, 15,0 % ни ташкил этди. Текширилган аъзолардан қизилўнгачда 3 та, юракда 2 та ва бўйин мускулида 1 та макроцистанинг борлиги аниқланди.

### Микроскопик усулда текшириш натижалари

2 – жадвал

Ҳайвон тури	Текширилган	Зарарланган	Зарарланиш %	Микроциста			Трофозоид		
				Зарарланиш интенсивлиги	Ҳажми		Зарарланиш интенсивлиги	Ҳажми	
					Узунлиги	Эни		Узунлиги	Эни
Эчки	30	20	66,6	2 – 3	1,0 – 1,462	0,023-0,360	10-12	12,0-15,0	3,5-5,5
Қўй	60	60	100	5 – 6	1,0 – 1,520	0,025-0,370	126-135	11,0-14,0	3,6-6,4
қорамол	70	70	100	4 – 5	1,5 – 1,390	0,17-0,140	158-165	12,4-16,5	3,0-5,8
Жами:	60	150	93,7	4 – 5	0,18–1,123	0,20-0,290	98-104	11,8-15,5	3,3-5,9

Эчки, қўй ва қорамолларнинг 160 тасининг юрагидан тайёрланган микропрепаратлар текширилганда, 150 таси

саркоспоридийлар билан зарарланганлиги аниқланди. Зарарланиш даражаси 93,7 % ни ташкил этди. Бунда саркоспоридийларнинг

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

икки хил ривожланиш (микроциста, трофозоид) босқичлари кўринди. Текширилган 30 бош эчкининг 20 боши зарарланган бўлиб, 66,6 % ни ташкил этди. Микроцисталарнинг зарарланиш интенсивлиги 2 тадан 3 тагача, ранги оқиш, шакли асосан тухумсимон, ҳажми: узунлиги 1,0 – 1,46 мк, эни эса 0,023 – 0,360 мк гача. Трофозоидларнинг зарарланиш интенсивлиги 10-12-тагача, ҳажми: узунлиги 12,0 – 15,0 мк, эни эса 3,5 – 5,5 мк. Текширилган 60 бош қўйларнинг ҳаммаси зарарланган бўлиб, микроцисталарнинг зарарланиш интенсивлиги 5 тадан 6 тагача, ранги оқиш, шакли асосан юмалоқ ва айрим ҳолда узунчоқ, ҳажми: узунлиги 1,1 – 1,52 мк эни 0,025 – 0,370 мк гача. Трофозоидларнинг зарарланиш интенсивлиги 126 – 135 тагача, ҳажми: узунлиги 11,0 – 14,0 мк, эни эса 3,6 – 6,4 мк га тўғри келди. 70 бош қорамолларнинг ҳам ҳаммаси зарарланган

бўлиб чиқди. Микроцисталарнинг зарарланиш интенсивлиги 4 тадан 5 тагача, ранги оқиш, шакли овалсимон юмалоқ бўлиб, ҳажми: узунлиги 1,5 – 1,390 мк, эни 0,17 – 0,140 мк гача. Трофозоидларнинг зарарланиш интенсивлиги 158 – 165 тагача, ҳажми: узунлиги 12,4 – 16,5 мк, эни эса 3,0 – 5,8 мк га тўғри келди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, саркоспоридийлар ўтхўр ҳайвонларнинг ички аъзоларида: макроцист, микроцист ва трофозоид босқичларида учрайди. Гўштхўр ҳайвонларга хом гўшт орқали ва одамларга яхши пиширилмаган гўшт орқали ўтиб, саркоспоридиоз касаллигини чақиради. Шунинг учун саркоспоридиоз касаллигига қарши мавжуд профилактик чора тадбирларга қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

**Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. —Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Бейер П.В. Саркоспоридиоз. // “Практик”. №5. -2000.
3. Бердиев А.С. Что надо знать о саркоцистозе. —Ахшбад., Ылым, 1982.
4. Гадоев А. Саркоцисты крупного рогатого скота в Узбекистане. Материалы. // Всесоюзного съезда протозоологов. Ч. 3. —Киев., 1976.
5. Гадоев А. Саркоцисты овец в Узбекистане. Тезисы X Всесоюзной конференции по природной очаговости болезней. Часть 1. -Изд. Алма – Ата, 1979.
6. Гадоев А. К изучению саркоспоридий коз. // Биологиянинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. —Фарғона., 2018
7. Есимов Б.К Саркоспоридии и саркоспоридиоз свиней. Автореферат диссертации. к.в.н – Алма – Ата, 1988.

(Тақризчи: *Ф.Хомидов - биология фанлари доктори, профессор*).